Кўчкунчихон ибн Абулхайрхон (кўчим)
(?-1530-й.)
(1510-1530)

Шайбонийлар сулоласидан бўлган хон. Абулхайрхон ва Робия Султонбегим (Улугбек мирзонинг кизи)нинг фарзанди, Шайбонийхоннинг амакиси. Шайбонийхон томонидан Туркистон вилояти хокими этиб тайинланган(1503-1509-й.). Мовороуннахр хони (1510-1530-й.). Шайбонийларнинг Мовароуннахрни босиб олиш учун килган юришларида фаол иштирок этган. 1512-йил 28-апрелдаги жангда шайбонийлар Бобур билан унинг иттифокчиси сафавийлар кўшинини тор-мор килиб, Самарканд тахтини кўлга киритдилар ва Кўчкунчихон хукмронлиги кайта тикланди. Унинг даврида Шайбонийлар Сафавийлар билан урушиб, икки марта (1513/14:1529-й.) Хиротни эгаллаганлар, Бобур салтанати пойтахти Агра шахрига элчилар юборилган. Элчилар Бобур томонидан тухфалар билан кутиб олинган. Кўчкунчихон номи тарихда хонгина эмас, адабиёт, фан ва маданият хомийси сифатида хам колган. Унинг даврида кўп асарларни ўзбек йилига таржима килиш бобида катта ишлар килинган: форс тилидан ўзбек тилига Рашидуддиннинг ,, Жоме ат-таворих”, Шарафуддин Али Яздийнинг ,,Зафарнома” асарлари таржима килинган, Бухорода Абдулазизхон кутубхонаси очилган, масжид, мадраса, хонакохлар таъмирланган.